

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВ АКРАМ ОДИЛОВИЧ

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ
БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Очиллов Акрам Одиллович

Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш
самарадорлигини ошириш..... 3

Очиллов Акрам Одиллович

Повышение эффективности управления подготовкой
высококвалифицированных кадров 35

Ochilov Akram Odilovich

Increasing the efficiency of higher education personnel training
management..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published publications..... 71

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВ АКРАМ ОДИЛОВИЧ

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ
БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Igt32 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Зайнутдинов Шавкат Нуритдинович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рахимова Дилфуза Нигматовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Саидов Мухаммадали Хакимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (998971) 233-60-01; e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (998971) 239-28-27; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.А. Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва тезкор ахборот алмашинуви жараёнларининг кучайиши мамлакатлар, компаниялар ва корпорациялар ўртасидаги кескин рақобат муҳити шароитида юқори малакали кадрларнинг фавқулодда шу ҳолатларга тайёр бўлишларини талаб этмоқда. Ваҳоланки, БМТнинг 2030 йилгача Барқарор Ривожланиш Мақсадларида таъкидланганидек, олий таълим жаҳонда барқарор иқтисодий ўсишнинг етакчи омилига айланмоқда. Шу туфайли кейинги йилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш суръати жаҳонда сакланиб, 2030 йилга бориб, олий ўқув юртлари талабаларининг прогноз сони 414 миллион кишига етади ва у 2000 йилга нисбатан 4,2 баробарга кўпдир¹. Демак, замонавий мутахассисларнинг умри давомида эгаллаётган билимлари пойдевори олий таълим муассасаларида яратилаётганлиги нуктаи назаридан олий таълим сифатини ошириш масаласи комплекс ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида таълим хизматлари бозорининг етакчи иштирокчилари ҳисобланган олий таълим муассасаларининг мамлакат тараққиёти ва жамият равнақиға хизмат қилишини самарали бошқаришда бир қатор муаммоларнинг илмий ечимларини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилган. Бу соҳада олий таълим муассасаларининг рейтинги ва рақобатбардошлигини ошириш, олий таълим тизимида иқтисодиётнинг замонавий талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни ишга йўналтиришни бошқаришга мажмуавий ёндашиш, таълим сифатини ошириш, жараёнларни оптимал бошқариш ва тартибга солишни такомиллаштириш, таълим жараёнига инвестициялар, инновациялар ва технологияларни жалб этиш каби масалалар алоҳида ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда олий таълим тизимини бошқаришни жадал ривожлантиришга юқори даражада эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш»² бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамиз олий таълим соҳасининг тараққиёт тенденциясини

¹Манба: www.unesco.org

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон.

чуқур таҳлил қилиш ва олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш асосида илмий таклиф ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон, «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармонлари, «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2909-сон, «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон, «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар талабларини амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишга оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Harvard University, New York University, Stanford University, Graduate School of Business, University of Chicago, The World Bank (АҚШ), Oxford Brookes

³Мазкур қисм қуйидаги манбалар асосида ёритилган: World Bank and UNDP (2009); «Putting Higher Education to Work: Skills and Research for Growth in East Asia». World Bank East Asia and Pacific Regional Report. World Bank: Washington DC. European Commission (2011); Higher Education in Uzbekistan: Structure, Developments and Reform Trends. Tashkent: United Nations Development Programme Representative Office in Uzbekistan. European Commission. (2012). «Higher Education in Uzbekistan». July 2012; Дровяников В.И. Методология, модели и механизмы организационно-экономического управления в мультиагентной системе подготовки профессиональных кадров. Дисс. ... д-ра эконом. наук. – Самара, 2010.; Узбекистан. Модернизация системы высшего образования. Сектор по человеческому развитию. Отдел по работе со странами Центральной Азии. Региональное управление по Европе и Центральной Азии. Документ Всемирного банка. – 2014.; Черноус Т.Ф. Основные тенденции модернизации национальной системы подготовки кадров высшей квалификации в новых социально-экономических условиях // Высшее образование Кыргызской Республики. – 2008. – 2 (12).; Шумейко А.А. Интернационализация и регионализация высшего образования как фактор развития конкурентоспособности университета // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – 6.; Куролов К.Қ. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таълим тизимининг такомиллашуви қонуниятлари. Иқт. фанл. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 87 б.; Ajwad, Mohamed Ihsan Stefan Hut, Ilhom Abdulloev, Robin Audy, Joost de Laat, Sachiko Kataoka, Jennica Larrison, Zlatko Nikoloski, and Federico Torracchi, 2014. «The Skills Road: Skills for Employability in Uzbekistan», World Bank, Washington, DC. ва бошқ.

University, University of Cambridge (Буюк Британия), University of Munster (Германия), Wageningen University and Reserch Center (Нидерландия), the Korean (Жанубий Корея), the Japanese International Cooperation Agency (Япония), International University of biznes and economical (Хитой), Singapore Management University (Сингапур), UNDP, UNESCO каби халқаро ташкилотлар, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети (Россия), Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга оид тадқиқотлар натижасида қатор, шу жумладан, қуйидаги илмий ва амалий натижалар олинган: инновацион иқтисодиёт ва олий таълим тизимининг интеграциялашган тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилган (World Bank and UNDP, Harvard University, New York University, Stanford University, АҚШ), интеллектуал капитал ва кадрлар инновацион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар аниқланган ҳамда уларнинг таъсир доираси Европа Иттифоқининг агросаноат корхоналари мисолида баҳоланган (Wageningen University and Reserch Center, Нидерландия). Олий таълим муассасаларида ўқув, илмий-тадқиқот ва инновацион жараёнлар интеграциясини таъминлаш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш (World Bank and UNDP) ва минтақанинг иқтисодий ўсиш моделлари яратилган, унинг олий таълим сифати билан ўзаро боғлиқлиги асосланган (Universit of Sheffield, Англия), шунингдек, олий таълим тизимини ривожлантириш методологияси такомиллаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон).

Жаҳон олий таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш бўйича, хусусан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда: олий таълим муассасаларини мамлакатнинг илмий ва маданий марказларига айлантириш, олий таълимни байналмилаллаштириш ва интеграциялаш, ОТМларини автоматлаштириш ва таълим жараёнларини демократлаштириш, таълим сифати ва талабалар қобилиятини замонавий усуллар асосида баҳолаш, олий таълим салоҳияти ва инвестицион жозибadorлигини ошириш, таълим тизимини бошқаришда янги билимлар, илмий ғоялар ҳамда замонавий инновацион технологиялар яратиш ва тижоратлаштириш, олий таълимни бошқаришни online тизими асосида амалга ошириш, инсон капитали ҳажмини кўпайтириш ва кадрлар тайёрлашни бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш ва уларни ишга йўналтириш жараёни; олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва бошқа қатор масалаларнинг назарий асослари, моделлари ва замонавий тенденциялари хорижлик олимлардан А.Ашер, R.Varro, Дуглас Д., E.C.Andrade, E.Hanushek, Kozma B.R.,

A.Maddison, G.Philip, L.Pritchett ва бошқа хорижий олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари⁴да ўз аксини топган.

ОТМларида ўқиш муддатлари ва дипломлар бериш; ОТМларининг рақобатбардошлиги ва самарадорлиги; олий таълим сифатини бошқариш, битирувчилар салоҳиятининг иқтисодий ривожланишга таъсири ва бошқа масалалар МДХ давлатлари олимларидан Е.О.Аквазба, Е.В.Балацкий, Н.Н.Беденко, К.Н.Гоженко, А.Х.Жанказиев, А.П.Колядин, Л.Полищук, А.К.Савина, В.И.Сухочев ва бошқаларнинг илмий мақолалари, монография ва диссертациялари⁵да ўрганилган ҳамда таҳлил қилиниб, тегишли тавсиялар берилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан Қ.Х.Абдурахманов, О.Қ.Абдурахманов, Р.Алимов, А.Н.Арипов, Г.Н.Ахунова, Б.А.Бегалов, А.Ш.Бекмуродов, С.С.Гулямов, Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Икрамов, Н.К.Йўлдошев, Д.С.Касимова, И.У.Мажидов, Д.Х.Набиев, Р.И.Нурибегов, Б.Х.Рахимов, Д.Н.Рахимова, Р.А.Раҳманбаева, М.Х.Саидов, А.Н.Самадов, Б.Ю.Ходиев, Т.Ш.Шодиев, Ш.Д.Эргашходжаева, А.Т.Юсупов, Н.О.Қаюмова, Ш.Қурбоннов, Қ.Қ.Қуролов, Б.К.Ғойибназаров ва бошқаларнинг илмий асарлари⁶даги

⁴Ашер А., Савино М. Глобальные рейтинги и рейтинговые таблицы // Вопросы образования. – 2007. – 4. – С. 201–216; Barro, R., 1999. «Human Capital and Growth in Cross Country Regressions», Swedish Economic Policy Review, Vol.6, pp.237–77; Дуглас Д. Новый мировой порядок в высшем образовании: как и почему правительства создают структурированные рынки возможностей // Вопросы образования. – 2011. – 1. – С.73–98.; Е.С.Andrade, Laurini, M., 2010. «New evidence on the role of cognitive skills in Economic Development», Economics Letters, Vol.117 (1), pp.123–26; Hanushek, E., Kimko, D., 2000. «Schooling, Labor-force quality, and the growth of nations», American Economic Review, Vol.90(5), pp.1184–208; Hanushek, E., Woessmann L., 2008. «The role of cognitive skills in economic development», Journal of Economic Literature, Vol.46(3), pp.607–68; Kozma, B, R, 2008. «ICT, education reform, and economic growth: A conceptual framework», Retrieved from http://download.intel.com/education/HP/Kozma_WP1.pdf [Accessed 20 January, 2012]; Maddison A. Growth and slowdown in advanced capital economies: techniques of quantitative assesarmemt // Journal of Economic Literature. 1987. Vol. 25. p. 675. www.jstor.org; Philip G. Altbach, Liz Reisberg, Laura E. Rumbley (2009). Trends in Global Higher Education: Trasking an Academic Revolution. A report prepared for the UNESCO 2009. World Conference on Higher Education. – p. 10; Pritchett, L., 1996. «Where Has All the Education Gone?», World Bank Policy Research Paper, No.1581 [online] Available from: <http://unpan1.un.org/intradoc/groups/public/documents/unpan/unpan_002390.pdf

⁵Аквазба Е.О., Ухабина Т.Е., Черемисина Е.В. Качество образования в современной образовательной организации: проблемы и перспективы // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – 5.URL:www.science-education.ru / 128-21477 (дата обращения: 28.08.2015).; Балацкий Е.В., Екимова Н.А. Международные рейтинги университетов: практика составления и использования // Экономика образования. – 2012. – 2. – С. 67–80.; Беденко Н.Н. Управление системой оценки качества услуг высшего образования на мезо- и микроуровнях. Дисс. ... д-ра эконом. наук. – Санкт-Петербург, 2012. – 404 с.; Гоженко К.Н. Экономика знания – императивная основа инновационной трансформации сферы образовательных услуг. Автореф. дисс. ... д-ра эконом. наук. – Кисловодск, 2012. – 38 с.; Жанказиев А.Х. Императивы и организационно-экономические инструменты адаптации системы высшего образования к вызовам экономики знаний. Дисс. ... д-ра эконом. наук. – Нальчик, 2012. – 382 с.; Колядин А.П. Фиктивный компонент человеческого капитала как системный феномен экономики знаний. Автореф. дисс. ... д-ра эконом. наук. – Саратов, 2012. – 30 с.; Полищук Л., Ливни Э. Качество высшего образования в России: роль конкуренции и рынка труда // Вопросы образования. – 2005. – 1. – С. 70–86.; Савина А.К. Ученые степени и звания в зарубежных странах: общее и особенное // Проблемы современного образования. – 2015. – 3. – С. 10-23.; Сухочев В.И. Методология формирования организационно-экономического механизма оценки доступности и качества высшего образования. Дисс. ... д-ра эконом. наук. – Уфа, 2011. – 404 с.

⁶Абдурахманов К.Х. Организационно-педагогические проблемы управления качеством подготовки специалистов в условиях кредитно-модульной организации учебного процесса // Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия. Тез. докл. конф. «XIX-Международные Плехановские чтения», посвященной 10-летию юбилею Филиала РЭА им. Г.В. Плеханова в г. Ташкенте. 2 февраля 2006 года. – Т., 2006. – I. – С. 8–10.; Абдурахманов О.Қ. Мехнат бозорини бошқаришда таълим тизимининг ўрни: Иқт. фан. номз. ... дисс. – Т., 2005. – 135 б.; Алимов Р., Байханов Б. Тўқимачилик саноати

методологик жиҳатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида шу хулосага келиндики, ҳозирга қадар ОТМларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатларига доир кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамай, ушбу муаммо бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини саклаб қолмоқда. Шунга кўра, мазкур масалалар юзасидан бир қатор илмий, услубий ва амалий муаммоларнинг ҳал этилиш зарурати мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетида олиб борилган илмий-тадқиқотлар режасига мувофиқ А-2-89 «Олий таълим тизимида илмий-тадқиқот фаолиятини самарали бошқаришнинг иқтисодий-

корхоналарида инвестиция самарадорлигини баҳолашнинг оптимал моделлаштириш жараёнлари натижалари // Иқтисодиёт ва таълим. – 2008. – 2. – 92–95-б.; Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари: Монография. – Т., – 2005. – 300 б.; Ахунова Г. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари: Монография. – Т., 2005. – 244 б.; Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Высшие учебные заведения в формировании национальной инновационной системы страны // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2012. – 4.; Бекмуродов А.Ш. Интерактивное обучение и информатизация образования – важнейшее условие для выпуска профессиональных и компетентных кадров // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2011. – 1.; Образование в системе человеческого развития: мировая практика и опыт Узбекистана // Под ред. акад. Гулямова С.С., акад. Абдурахмонова К.Х. – Т., 2004. – 170 с.; Зайнутдинов Ш.Н., Очиллов А.О. Олий таълим муассасаларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш // Иқтисодиёт ва таълим. – 2010. – 2. – 83-87-б.; Икрамов М.А. Проблемы становления рынка образовательных услуг в Республики Узбекистан // Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития. Материалы международной научно-практической конференции. – Т., ТГЭУ, 2018. – 3. – С.167–171.; Йўлдошев Н.Қ. Стратегик менежмент. – Т., 2011. – 450 с.; Касимова Д. Пути взаимодействия субъектов рынка труда: работник–работодатель // Иқтисодиёт ва таълим. – 2011. – 6. – С. 22–25.; Набиев Д. Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики. Автореф. ... докт. эконом. наук. – Т., 2009. – 48 с.; Нурибегов Р. Бошқариш самарадорлигини баҳолаш // Жамият ва бошқарув. – 2010. – 4. – 67–68-б.; Рахимов Б.Х., Мажидов И.У. Роль профессионального образования в модернизации страны // Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны. Сборник статей международной конференции. – Т., 2012. – С. 41–43.; Рахимова Д.Н. Управление процессами развития и использования трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. – Т., 2000. – 225 с.; Рахманбаева Р.А. Управление интеллектуальным потенциалом вузов в условиях интеграции образования и производства. Автореф.дисс. ... д-ра эконом. наук. – Т., 2012. – 50 с.; Саидов М.Х., Исманов М.А. Менеджмент и инновации современного профессионального образования. – Т., 2002. – 79 с.; Очиллов А.О., Самадов А.Н. Модель управления трудоустройством выпускников высших образовательных учреждений в Узбекистане // «Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития». Материалы международной научно-практической конференции. – Т., ТГЭУ, 2018. – 3. – С. 276–283.; Ходиев Б.Ю. Приоритеты развития высшего образования // Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны. Сборник статей международной конференции. – Т., 2012. – С. 36–40.; Шадиёв Т.Ш. Как готовятся конкурентоспособные специалисты в вузах Великобритании? / Т.Ш.Шадиёв, З.Эрматов, Б.Кушимов. Под ред. С.С.Гулямова. – Т., 2005. – 116 с.; Эргашходжаева Ш.Д. Инновацион маркетинг – замонавий иқтисодиёт талаби // Ўзбекистонда божхона ишининг долзарб муаммолари: назария ва амалиёт. Республика илмий-амалий анжумани мақола тезислари тўплами. – Т., ТДИУ, 2010. – 151–152-б.; Юсупов А.Т. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси: методологик-услубий, норматив-ҳуқуқий ва илмий-ташқилий йўналишлари / А.Т. Юсупов. – Т., 2013. – 648 б.; Қаюмова Н.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти. Иқт. фанл. докт. ... дисс. – Т., 2012. – 317 б. ил.; Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. – Т., 2006. – 592 б.; Қуролов Қ.Қ. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таълим тизимининг такомиллашуви қонуниятлари. Иқт. фанл. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 91 б.; Ғойибназаров Б., Турғунов Т. Бозор шароитида ижтимоий соҳанинг ривожланиши // Иқтисодиёт ва таълим. – 2009. – 6. – 19–20-б.

ташкилий механизмларини такомиллаштириш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-назарий, илмий-услубий ва илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини бошқаришнинг замонавий ҳолати, хусусиятлари, тамойиллари ва хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш;

олий таълим тизими бошқарувини модернизациялаш ва менежмент тамойилларига мувофиқ «бутун умрга таълим» концепциясидан «бутун умр давомида таълим» («бешиқдан қабргача илм изла») концепциясига ўтиш заруратини асослаш ва мазкур масала юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишни бошқариш моделини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига замонавий таълим технологияларини қўллаш таклифларини асослаш;

давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ олий таълим муассасалари битирувчи бакалаврларига янги намунадаги дипломлар бериш заруратини асослаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

юқори малакали кадрларнинг ишга жойлашганлик ҳолатини таҳлил қилиш ва олий таълим муассасалари битирувчи бакалаврларини ишга жойлаштиришни бошқариш моделини ишлаб чиқиш;

юқори малакали кадрлар фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методологиясини ишлаб чиқиш;

юқори малакали кадрлар таълим цензининг иқтисодий ўсишга таъсирининг математик моделлари асосида кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари асослаш;

SWOT-таҳлили асосида ОТМларини бошқариш самарадорлиги, рейтинги ва рақобатбардошлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасалари педагог ходимларининг сифат моделини ишлаб чиқиш;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини бошқаришнинг интеграция натижаларини прогностлаш ва самарадорлигини ошириш ҳамда маркетинг тамойилларидан фойдаланишни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш тизими, олий таълим муассасалари ва олий таълим тизимининг корхоналар билан интеграциялашув жараёни қабул қилинган.

Тадқиқотнинг предметини юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнидаги илмий-ташкилий иерархик муносабатлар ва алоқаларни бошқариш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий-тадқиқот ишини амалга оширишда кузатиш, умумлаштириш, тизимли-мантиқли ва SWOT-таҳлил,

кўп омилли ва динамик таққослаш, дисконтлаш, даврийлаштириш, корреляция ҳамда иқтисодий-математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий инновацион иқтисодиётда натижаларга йўналтирилган контроллинг менежмент тамойилига мувофиқ «бутун умр давомида таълим» («life-learning») концепциясига ўтиш зарурати юзасидан олий таълим тизимида фанлар сонини оптималлаштириш ва ОТМларида ўқиш муддатини бир йилга қисқартириш асосида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш механизми ишлаб чиқилган;

олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг кўп босқичли модели таклиф этилган ҳамда ОТМларида шаклан миллий ва мазмунан глобал таълим стратегиялари (таълим жараёнида «устоз-шоғирд», инновацион бошқарув, ОТМ фаолиятининг компонентлари бўйича қиёсий таҳлил этиш («benchmarking»), умумқасбий ва мутахассислик компетенцияларига асосланган таълим бериш («tuning»), антиплагиат («TURNITIN») ва ички бошқарув тизимлари (ИНТРАНЕТ)ни қўллаш зарурати асослаб берилган;

кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишда ўқув режалари, дастурлари ва йўналиш (мутахассислик) фанларини оддийликдан мураккабликка йўналтирган ҳолда «кириш–оралиқ–яқуний» («Introductory–intermediate–advanced») босқичлар асосида ўқитишни ташкил этиш таклифлари асослаб берилган;

таълим стандартларини ўзлаштириш даражасига мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларига янги шаклдаги табақалаштирилган-тоифали дипломлар ва «Бакалаврнинг сифат кўрсаткичлари» (интеллектуал, маънавий ва бошқарувчилик қобилиятлари рейтинги) иловасини бериш асосида талабалар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш механизми таклиф этилган;

меҳнат ва таълим хизматлари бозорининг талаблари, таклифлари ва ОТМларининг мос йўналиш (мутахассислик)лари асосида битирувчиларни корхоналарнинг бўш иш ўринларига тақсимлаш модели ҳамда «Корхона ва ташкилотларда ишлаётган ОТМлари битирувчилари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методологияси» орқали бакалаврлар ва магистрларни ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш механизми ишлаб чиқилган;

глобаллашув жараёнларида рақобат муҳитининг кескинлашуви шароитида ОТМларининг рейтинги, рақобатбардошлиги ва фаолият кўрсатиш самарадорлигини оширишда SWOT-таҳлили ва маркетинг-менежментнинг янги элементи (8P–профессионал билимлар(professional knowledge))ни қўллаш ҳамда олий таълим–фан–ишлаб чиқариш интеграцияси натижаларини прогнозлаштириш механизми таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бакалавр ва магистрлар тайёрлаш муддатининг бир йилга қисқартирилиши натижасида узлуксиз таълимнинг аввалги босқичларида ўтилган предметлар сони ОТМларида оптималлаштирилади, корхона ва

ташкilotларнинг зарур мутахассислар билан таъминланиш даражаси бир йилга тезлашади ҳамда ОТМларида бакалаврлар тайёрлашнинг бир йиллик харажатлари тежаллади;

кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишда олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг ишлаб чиқилган кўп босқичли модели ҳамда ОТМларида шаклан миллий ва мазмунан глобал таълим стратегияларини қўллаш таклифи ОТМлари битирувчиларининг билим, малака даражаси ва умумий рейтингининг оширилишига олиб келади;

кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишда ўқув режа ва дастурларини «кириш–оралиқ–якуний» («Introductory–intermediate–advanced») босқичлари асосида тузиш талабаларнинг йўналиш (мутахассислик) фанларини оддийликдан мураккаблик, хусусийликдан умумийлик ва айримликдан мажмуавийликка йўналтирилган ҳолда эгаллаётган билим ва малакаларининг мукамаллашув даражаси оширилиши ҳамда креатив қобилиятларининг босқичма-босқич шаклланишига хизмат қилади;

бакалаврларга табақалаштирилган-тоифали дипломлар ва сифат кўрсаткичлари иловасининг берилиши натижасида ОТМларида ўқиш ва малакавий амалиётлардан ўтиш жараёнларида талабалар ўртасида соғлом рақобат, юқори рақобат рейтинг кўрсаткичлари асосида таҳсил олиш ва рақобатбардош юқори малакали кадр бўлишга интилиш кучаяди; профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида кўпроқ ишлаш, талабаларга замонавий АКТ ва педагогик технологиялар асосида дунёвий билимлар бериш, ОТМ имижиси ва ўз мартабаларини юксалтириш эҳтиёжлари кенгаяди; иш берувчиларнинг юқори малакали кадрларга буюртмалар бериш ва уларни ОТМларидан танлаб олиш имкониятлари яхшиланади;

ОТМлари битирувчиларини ҳудудларнинг мос йўналишлари асосида корхоналарнинг бўш (вакант) иш ўринларига тақсимлаш модели юқори малакали кадрларни йўналиш (мутахассислик) ва ҳудудлар кесимида оптимал ишга жойлаштириш муддатини ўртача 33,3 % га қисқартиради; «Корхона ва ташкilotларда ишлаётган ОТМлари битирувчилари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методологияси» ОТМларини битирган ва корхоналарда ишлаётган юқори малакали кадрларнинг жамиятга келтирган ижтимоий-иқтисодий самарасини аниқлаш имконини беради;

ОТМлари рейтинги, рақобатбардошлиги ва фаолият самарадорлигини оширишда SWOT-таҳлили ва маркетинг-менежментнинг янги элементи (8P–профессионал билимлар(professional knowledge))ни қўллаш таклифи рақобат бозорини бошқариш учун хизмат қилади; олий таълим–фан–ишлаб чиқариш интеграцияси натижаларини прогнозлаш таклифи интеграция объектларида вужудга келиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида олдиндан маълумотлар олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, монографик таҳлиллар ва статистик маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги ҳамда амалиётга жорий

этилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда яратилган ғоялар ва услубий ишланмалар олий таълим тизими сингари мураккаб кўп омилли жараёнларни тадқиқ этиш, белгиланган мақсадга эришиш учун тизим ва жараёнларни оптимал бошқариш, самарали қарорлар қабул қилиш, комплекс дастурлар ишлаб чиқиш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш ва олий таълим сифатини оширишни бошқаришни мониторинг қилишда кенг қўллаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тақдим этилган методологик ишланмалар кадрлар тайёрлаш жараёнидаги ташқи ва ички омилларни комплекс таҳлил қилиш, омилларнинг таъсирини аниқлаш орқали тизимни бошқаришга оид самарали қарорлар қабул қилиш, ўқув жараёнини муқобил ташкил этиш, рақобат муҳитини шакллантириш, юқори малакали кадрларни ишга жойлаштириш, ОТМлари битирувчиларига табақалаштирилган-тоифали дипломлар бериш ва мамлакат иқтисодиётида уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш имконини беради. Диссертация ишининг услубий ишланмалари, таклиф ва тавсиялари ОТМнинг бакалавриат таълим йўналишлари талабаларига «Таълим иқтисодиёти ва менежменти», «Персонални бошқариш», «Стратегик менежмент» ва бошқа фанларни ўқитишда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

замонавий инновацион иқтисодиётда натижаларга йўналтирилган контроллинг менежмент тамойилига мувофиқ «бутун умр давомида таълим» «life-learning» концепциясига ўтиш зарурати юзасидан олий таълим тизимида фанлар сонини камайтириш ва ОТМларида ўқиш муддатини бир йилга қисқартириш орқали бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 ноябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида жамиятда 10000 нафар аҳолига тўғри келувчи юқори малакали кадрлар сони, ОТМлари талабалари билим ва малакаларининг мукаммаллашув даражаси, жамият аъзоларининг интеллектуал потенциали ва мамлакатнинг инсон тараққиёти индекси кўрсаткичлари оширилади;

олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг кўп босқичли модели ҳамда ОТМларида шаклан миллий ва мазмунан глобал таълим стратегиялари (таълим жараёнида «устоз-шогирд», инновацион бошқарув, ОТМ фаолиятининг компонентлари бўйича қиёсий таҳлил этиш («benchmarking»), умумқасбий ва мутахассислик компетенцияларига асосланган таълим бериш («tuning»), антиплагиат («TURNITIN») ва ИНТРАНЕТ ички бошқарув

тизимлари)ни қўллаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 16 декабрдаги 89-03-3310-сон ва 2018 йил 13 ноябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномалари). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши ҳар бир босқичда таълим иштирокчиларининг вазифалари мазмуни ва масъулиятлилиқ даражасини ошириб, бошқарув самарадорлигини ўртача 9,0 фоизга ва ОТМлари битирувчиларининг умумий рейтингини 0,1 баллга оширилишига, бир ўқув йилида бир нафар талабага сарфланган харажатларнинг 6,5 минг сўм (0,79\$)га камайтирилишига олиб келган; ОТМлари битирувчилари рейтингини 0,1 баллга оширилиши натижасида 2017 йилда 10,5 млрд.сўм иқтисодий самара олинган;

олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишда ўқув режалари ва дастурларини оддийликдан мураккабликка босқичма-босқич йўналтирилган ҳолда «кириш–оралиқ–яқуний» («Introductory–intermediate–advanced») тарзида ўқитишни ташкил этиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 ноябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгилик орқали ўқув режалари ва дастурларининг кетма-кетликда тузилишига, талабаларнинг фанларни оддийликдан мураккаблик даражасига йўналтирилган ҳолда босқичма-босқич ўрганишлари асосида ОТМларида кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишга эришилган;

таълим стандартларини ўзлаштириш даражасига мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларига янги шаклдаги табақалаштирилган-тоифали дипломлар ва «Бакалаврнинг сифат кўрсаткичлари» (интеллектуал, маънавий ва бошқарувчилик қобилиятлари рейтингини) иловасини бериш асосида талабалар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш механизми Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги амалиётига жорий этиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 ноябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси). Натижада давлат таълим стандартлари талабаларини талабалар томонидан ўзлаштириш даражасига кўра ўқув жараёнида талабаларнинг соғлом рақобатлашувига олиб келади, иш берувчиларга бакалаврни унинг дипломи ҳамда дипломнинг асосий (ДТС бўйича баҳолари ва рейтингини) ва иккинчи (сифат кўрсаткичлари) иловасига асосан баҳолаш ва ишга олиш бўйича қарор қилишларига имконият яратади;

меҳнат ва таълим хизматлари бозорининг талаблари, таклифлари ва ОТМларининг мос йўналиш (мутахассислик)лари асосида битирувчиларни корхоналарнинг бўш ўринларига тақсимлаш модели ҳамда «Корхона ва ташкилотларда ишлаётган ОТМлари битирувчилари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методологияси» орқали бакалаврлар ва магистрларни ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш механизми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси амалиётига жорий этилган («Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг 2017 йил 7 апрелдаги 107-сон маълумотномаси). Таклиф этилган моделнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида битирувчилар ишга жойлашувининг тезлашиши корхона ва ташкилотларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва юқори малакали кадрларнинг жамиятга хизмат қилиш даражасини оширган;

глобаллашув жараёнларида рақобат муҳитининг кескинлашуви шароитида ОТМларининг рейтинги, рақобатбардошлиги ва фаолият кўрсатиш самарадорлигини оширишда SWOT-таҳлили ва маркетинг менежментнинг янги элементи (8P–профессионал билимлар (professional knowledge))ни қўллаш ҳамда олий таълим–фан–ишлаб чиқариш интеграцияси натижаларини прогностлаштириш механизми 5A230108 – «Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш» мутахассислиги талабаларига «Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш» фанини ўқитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 ноябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг назарий ва амалий билимларини оширган ва ОТМларида кадрлар тайёрлашни бошқаришда рақобат бозорини ривожлантириш учун хизмат қилган;

юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий таклифлар ва тавсиялар «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари» номли 5-моддасининг 10,12 ва 14-бандлари; «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари» номли 8-моддасининг 2, 4, 6 ва 7-бандлари; «Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари» номли 10-моддасининг 4-6 ва 8-бандлари; «Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш» номли 25-моддасининг 2, 5-8-бандларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2017 йил 28 апрелдаги 04/5-06-086-сон маълумотномаси). Қонунчилик ҳужжатларининг тайёрланишида илмий-тадқиқот ишининг илмий таклифлари ва тавсияларидан мақсадли фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий ғояси ва натижалари маърузалар шаклида 13 та халқаро ва 24 та республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 19 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 241 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, ишнинг синовдан ўтиши, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида кадрлар тайёрлаш тизимини бошқаришнинг моҳияти ва мазмуни ёритиб берилган, бошқарувнинг замонавий ҳолати, назарий асослари, хусусиятлари, тамойиллари ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг кадрлар тайёрлашни бошқариш тажрибаси таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистонда олий таълим тизими бошқарувини модернизациялаш зарурати асосланган.


Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ва таълим тизимини ислоҳ қилиш билан бирга ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, ҳушёрлик, юқори билим ва малакаларни ўзида мужассамлаштирган кадрлар тайёрлашнинг юқори даражаларини таъминлашга астойдил интиломда. Бунинг учун ОТМлари келажакда мамлакатнинг илмий ва маданий марказларига айланиши лозим. «Харакатлар стратегияси» талабларига, ОТМларининг миссияси ва мақсадларига мувофиқ белгиланган вазифалар тавсифи 1-расмда тасвирланган.

ОТМларининг жамиятга хизмат қилиш миссияси фақат кадрлар тайёрлаш билан ўлчанмай, бу таълим муассасаларида иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бартараф этиш юзасидан илмий-назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

XXI асрда жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида олий таълим юрт равнақи, аҳоли фаровонлиги ва ёшларнинг келажagini таъминлашда асосий омил ва глобал йўналишга айланмоқда. Ҳақиқатан ҳам таълим тизими замонавий талабларга жавоб бериши, истиқбол режаларини белгилаши ва келажакка интилиши лозим. Олий таълим – жамиятнинг асосий ўзаги. Жаҳонда инсон фаолиятининг турли соҳаларида глобал ўзгаришлар юз бериб, уларда инновацион ғоялар ва усуллар қўлланилади, шунинг учун талаба (битирувчи)лар сифатли тайёрланган ва чуқур билимлар билан қуролланган бўлиши керак. Рақобатбардош мутахассис бўлиш учун эса мустақил таълим билан мунтазам шуғулланиш, ўз-ўзини такомиллаштириш, юқори мақсадлар белгилаш ва уларга эришиш лозим.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш даврида ОТМларида иш берувчи ташкилотларнинг юқори малакали кадрларга эҳтиёжларини қондириш, аҳоли бандлигини таъминлаш учун янги иш ўринларини яратиш ҳамда меҳнат шароитларини яхшилаш билан бирга

меҳнат ресурслари интеллектуал салоҳиятини ошириш вазифалари ҳозирги даврнинг долзарб масаласидир.



1-расм. «Ҳаракатлар стратегияси»га мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш жараёнларида ОТМларининг мақсад ва вазифалари⁷

⁷Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқори малакали кадрларнинг ақлий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳамда уларнинг ишчанлик ва билимдонлик қобилиятларини шакллантиришда таълимнинг муҳим хусусиятлари шахс, давлат ва жамият даражасида тавсифланади. Бу тавсифлаш мезонига кўра, давлат мамлакат ақлий ва илмий салоҳиятининг ривожланиши ҳамда аҳолининг маънавий бойлиги ва ҳуқуқий маданияти оширилиши тарафдори. Шахс бу жараёнда билим, уқув, кўникма, тажриба, малака ва бошқа интеллектуал қобилиятлар бўйича зарур эҳтиёжларини қондиради.

Таҳлиллар натижаси кўрсатадики, юқори малакали кадрлар тайёрлашни самарали бошқаришда, соҳа мутахассислари ва таълим иштирокчилари томонидан хизмат вазифалари белгиланган талабларга мувофиқ бажарилса, жамиятда қуйидаги натижаларга эришилади: биринчидан, абитуриентларни ОТМларига жалб этиш даражаси, 10000 нафар аҳолига тўғри келувчи талаба ва битирувчилар сони, шунингдек, Инсон тараққиёти индекси кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг жаҳонда эгаллаб турган мавқеи ошади; иккинчидан, ОТМларида таълим сифати оширилиши билан ўқиётган талабаларнинг билим олиш, касб эгаллаш ва хорижий тенгдошлари билан рақобатлашишга эҳтиёж ва имкониятлари кенгайтирилади; учинчидан, корхоналарнинг билимли ва рақобатбардош кадрларга эҳтиёжлари қондирилиши яхшиланади; корхоналарнинг мавжуд ресурслардан фойдаланиш ва ихтисосликларини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва юқори малакали кадрлар меҳнатидан самарали фойдаланиш даражаси оширилади; тўртинчидан, олий маълумотли шахсда ташаббускорлик, ишчанлик, дунёқараш, тартиблилик, тўловга лаёқат, очикқўнгиллик, билимдонлик ва бажарувчанлик қобилиятлари бундай маълумотга эга бўлмаган шахсга нисбатан анча юқори даражада; бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилиш даражаси яхшиланади; олтинчидан, жамиятнинг саводхонлик ва маданиятлилик даражаси юксалиб, ёшларнинг ноқонуний ҳаракатлари даражаси кескин қисқаради; еттинчидан, жамият тараққиётига масъул этилган ОТМлари нуфузи оширилади, олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ривожланади, корхоналар муаммоларини уларнинг ташаббуслари билан ОТМлари профессор-ўқитувчилари ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимлари ҳамкорликда ҳал этадилар, ишлаб чиқаришга янги ғоялар, билимлар, технологиялар ва ишланмалар жалб этилади, корхоналарни модернизациялаш ва диверсификациялаш масалалари ҳал этилади, ишлаб чиқариш жараёнлари ва инсонларни бошқариш самарадорлиги оширилади; саккизинчидан, ҳозирги глобаллашув ва тезкор ахборот алмашинуви шароитларида жамиятда фуқароларнинг сиёсий дунёқарashi, ҳуқуқий онги ва маданияти, ватанпарварлик ҳисси юксалади, шунингдек, ер, меҳнат ва капитални бошқаришга масъул этилган билимларнинг мавқеи оширилади; тўққизинчидан, республикамизда «Бутун умрга таълим» концепциясидан «Бутун умр давомида таълим»

концепциясига ўтилиши натижасида юқори малакали кадрларнинг жамиятга самарали хизмат қилиш имкониятлари кенгайтирилади.

Статистик маълумотлар таҳлили натижалари кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда АЛ ва КХКлари битирувчиларининг олий таълимга ўқишга кириш қамрови кўрсаткичи 10 % ни ташкил этган. Бу кўрсаткични кескин кўтариш мақсадида юртимизда ОТМлари ва уларнинг филиаллари сонини кўпайтириш, олий таълимнинг барча шакл ва турлари асосида талабалар қабул қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур кўрсаткичлар даражасини ошириш мақсадида олий таълим муассасаларининг ўрни муҳимлиги нуқтаи назаридан, Президент Қарори⁸га мувофиқ, соҳа раҳбарларига 2021 йилгача республика бўйича камида ўнта ОТМнинг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилишини таъминлаш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юклатилган.

«Юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишни инновацион бошқариш» номли иккинчи бобда инновацион иқтисодиётда инсон капитали ва «Бутун умр давомида таълим» концепциясини бошқариш, бакалаврлар тайёрлашни бошқаришда инновацион ташкилий тузилмалар, олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг кўп босқичли модели ва педагог ходимларнинг такомиллаштирилган сифат моделини бошқариш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертациянинг мазкур бобида асосини таълим ташкил этувчи, билимлар ва технологияларнинг давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларини қондириш воситаси эканлиги тўғрисида маълумотлар тадқиқ этилган, уларнинг мунтазам равишда янгиланиб туриши лозимлиги асосланган.

«Бутун умрга таълим» концепциясида, муаллиф фикрича, ОТМни 20-30 йиллар аввал битирган дипломли айрим мутахассисларда ўқиш даврида эгаллаган билимларини «эслаб қолиш» тамойили содир бўлмоқда. Ваҳоланки, улар замонавий бозор иқтисодиёти ўзгаришларини ҳисобга олишмайди, эгаллаган билимларининг «эскириши» туфайли уларнинг иш ўрни қисқаради. Шунинг учун Ўзбекистон олий таълим муассасаларида юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишда янги билимларнинг яратилиши, синовдан ўтказилиши ва уларнинг оқилона тарқатилиши долзарб. Шунга кўра, «Бутун умрга таълим» концепциясидан «Бутун умр давомида таълим» концепциясига ўтиш олий таълим тизими ривожланишида фақат Ўзбекистон учун эмас, балки жаҳоннинг бошқа мамлакатлари учун ҳам зарурдир. «Бутун умрга таълим» ва «Бутун умр давомида таълим» концепциялари хусусиятларининг қиёсий таҳлили 1-жадвалда келтирилди.

⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сонли Қарори. – Тошкент. 2017 йил 27 июль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда. Манба: <http://press-servis.uz>.


**«Бутун умрга таълим» ва «Бутун умр давомида таълим» концепциялари
хусусиятларининг қиёсий таҳлили⁹**

«Бутун умрга таълим» концепциясининг асосий жиҳатлари	«Бутун умр давомида таълим» концепциясининг асосий жиҳатлари
таълимнинг мақсади – талабага билим ва малака бериш, уларни ҳаётга тайёрлаш	таълимнинг мақсади – талабанинг шахсий баркамоллигини таъминлаш ва ривожлантириш, унга жамиятга хизмат қилишни ўргатиш
талабанинг мақсади – ўз соҳаси бўйича билим олиш ва бу билимлардан умр давомида фойдаланиш	талабанинг мақсади – ўзини шахс сифатида ривожлантириш, меҳнат фаолияти даврида ўз касбий соҳаси ва турдош соҳалар янгиликларини ўзлаштириш
мақсадга йўналтирилган таълим: олдиндан белгиланган мақсадга амал қилинади	шахсга йўналтирилган таълим: талаба ўз мақсадларини белгилаши ва уларга эришиш йўллари танлаши мумкин
ўқув жараёнида фан ва ўқитувчи олдиндан белгиланган	талаба ўқув жараёнида фанлар ва ўқитувчиларни танлаш ҳуқуқига эга
билим ва технологиялар эскиради, ўқиш даврида олган билимларни «эслаб қолиш» тамойили содир бўлади	билим ва технологиялар яратилади, тўпланади, сақланади, ўзлаштирилади, фойдаланилади, янгиланади ва тарқатилади
фанлар анъанавий тарзда (маъруза, амалий машғулотлар) ўқитилади	фанлар замонавий АКТ, проспектлар, иш дафтарлари, силлабуслар, он-лайн тизими ва бошқа педагогик технологиялар асосида ўқитилади
кадрларни аттестациядан ўтказиш амалиёти мавжуд	ҳар уч йилда бир марта он-лайн тизими орқали битирувчилар малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш имконияти яратилади
корхонада асосий устуворлик меҳнат ва капиталга берилади	корхонада асосий устуворлик интеллектуал капиталга берилади
иш ўринлари маънавий эскиради, қисқаради ёки ўзгаради	замонавий иш ўринлари бўйича ишлаш имконияти яратилади

Бундан ташқари, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ОТМларида бакалаврият таълим йўналишлари талабалари билан ўқув-малакавий, маънавий-ахлоқий ва илмий-инновацион соҳаларда яқка тартибда гуруҳ мураббийлари шуғулланиб келишган. Ҳар бир гуруҳ мураббийсига 25-30 нафар талаба бириктирилганлиги боис, кўп ҳолларда, талабалар билан астойдил шуғулланишга уларнинг вақтлари етмасди. Шунга мувофиқ, тадқиқот ишида республикамизнинг 8 та ОТМ мисолида 15 йил мобайнида талабаларнинг ОТМдаги фаолиятини баҳоловчи 20 та кўрсаткич асосида «мураббийлик» ва «устоз-шогирд» тизимларининг тавсифловчи жиҳатлари ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, «устоз-шогирд» тизимида талабаларнинг қиёсий кўрсаткичлари «мураббийлик» тизими кўрсаткичларига нисбатан ўртача 1,1-6,5 мартагача ошганлиги аниқланди. Буни ҳисобга олиб, диссертацияда талабалар билан яқка тартибда ишлашни бошқаришда «устоз-шогирд» тизими таклиф этилган.

⁹Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Олий таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг кўп босқичли модели тавсия этилган (2-расмга қаранг).



2-расм. Олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг кўп босқичли модели¹⁰

¹⁰Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Моделдаги олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг асосий мақсадлари «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси», Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунлари талаблари, шунингдек, илмий-тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига тўлиқ мос келади. Мазкур мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган модель талабларига кўра, таълим сифатини оширишни бошқариш беш босқич асосида амалга оширилади. Олий таълим сифатини оширишни бошқариш моделининг барча босқичларидаги вазифалар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, якуний босқичда олий таълим сифатини самарали бошқаришни ташкилий, технологик, кадрлар ва услубий жиҳатдан баҳолаш ва тегишли хулосалар чиқариш имконияти яратилган.

ОТМларида мутахассислик фанлари босқичма-босқич ўқитилиши лозим. Шунга мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари талабалари 1-курс (I босқич)да предмет (фан)ларнинг асоси, тарихи, миссияси, мақсади, вазифалари, термин ва тамойилларини тушунишлари; 2-курс (II босқич)да олган билимлари ва кўникмалари юзасидан ўз фикрларини баён этишлари; 3-курс (III босқич)да инновацион фикрлашлари ва фанга танқидий ёндашишлари; 4-курс (IV босқич)да ўзлари 3-4 йил давомида ўқитилган предмет (фан)лар юзасидан инновацион ғоялар яратишга тайёр бўлишлари лозим. Олий таълим муассасаларида йўналиш (мутахассислик) фанларининг ўқув семестрларига қўйилишида ўқув режа ва дастурларининг тез-тез ўзгариб туриши натижасида вужудга келаётган ва мавжуд номукамалликлар ҳозиргача ҳам ўз ечимини топмаган. Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида илмий-тадқиқот ишида ўқув режа ва дастурларини оддийликдан мураккабликка йўналтириш ҳамда таълим технологиялари ва интерфаол услубларни қўллаш асосида талабаларни инновацион фикрлашга ўргатиш, яъни «кириш–оралиқ–якуний» («introductory–intermediate–advanced») босқичлари бўйича ўқитишни ташкил этиш таклиф этилди.

Диссертациянинг учинчи боби **«ОТМларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишни такомиллаштириш»** деб номланади. Бу бобда кадрлар тайёрлаш менежментида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, олий таълим маркетинги мажмуаси, ОТМлари битирувчиларига янги намунадаги табақалаштирилган-тоифали дипломлар бериш механизми, битирувчиларни ишга жойлаштиришни бошқариш модели ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш масалалари тадқиқ этилган.

ОТМларида юқори малакали бакалавр (магистр)лар тайёрлаш ҳамда уларни ишга йўналтириш мақсадидан келиб чиқиб, олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришни прогнозлаш механизми ишлаб чиқилган (3-расмга қаранг). Таклиф этилаётган ёндашувдан фойдаланиш натижасида ОТМ, ИТМ ва ишлаб чиқариш корхоналарида мақсадга мувофиқ ҳолат вужудга келади. Диссертацияда мазкур масалалар бўйича прогнозлаш натижаларининг тафсилоти келтирилган.




3-расм. Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида кадрлар тайёрлашни бошқаришни прогнозлаш механизми¹¹

¹¹Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Республика ОТМларида ўтказилган тажрибалар таҳлилига кўра, маркетинг тадқиқотлари ОТМнинг ташкилий қисми бўлиши керак. Ҳозирги даврга қадар маркетинг олимлар томонидан маркетингнинг етти асосий элементи аниқланган: маҳсулот (product); баҳо (price); жой (place); ҳаракатланиш, рағбатлантириш (promotion); инсонлар, персонал (people); моддий имконият (physical evidence) ва хизматлар кўрсатиш усули, жараён (process). Илмий-тадқиқот натижасига кўра, 8-элемент, яъни 8 Р: профессионал билимлар (professional knowledge) таклиф этилган ва маркетингнинг барча элементлари олий таълим тизими мажмуаси сифатида тавсифланган.

Тадқиқот вазифаларига мувофиқ, ривожланган хорижий мамлакатларда, шу жумладан Буюк Британия, Швеция, Норвегия, Франция ва бошқа мамлакатларда битирувчи бакалаврларга табақалаштирилган-тоифали дипломлар берилиши аниқланган. Республикамиз ОТМларида юқори рейтинг (86-100 %) кўрсаткичига эга битирувчиларга имтиёзли, қолган ўрта (55-70 %) ва сифатли рейтинг кўрсаткичли (71-85 %) битирувчиларга эса бир хил, яъни анъанавий намунадаги дипломлар берилмоқда. Хорижий мамлакатлар ОТМлари тажрибаси, ўрганилган илмий ишлар ва ўтказилган анкета сўровномалари натижасида Ўзбекистон Республикаси ОТМларининг бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларига тақдим этилаётган икки тоифали (оддий ва имтиёзли) диплом шаклларига ўзгартириш киритиш зарур. Шунга мувофиқ, ОТМ битирувчи бакалаврларига табақалаштирилган-тоифали битирув хужжатлари (дипломлар) берилишининг қуйидаги тартиби таклиф этилди: 86-100 % рейтинг кўрсаткичли битирувчиларга олий тоифали диплом, 71-85 % рейтингли битирувчиларга I тоифали диплом, 61-70 % рейтингли битирувчиларга II тоифали диплом, шунингдек 55-60 % рейтингли ва ДАК талабаларини бажармаган битирувчиларга сертификат берилиши ёки уларга диплом олиш учун битирув босқичида контрактация шартномалари асосида яна бир йил қайта ўқишга имконият берилиши лозим (4-расмга қаранг).

Таклифларга мувофиқ, бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларининг ўқиш даврида эгаллаган билим ва малакаси асосида уларга табақалаштирилган-тоифали битирув хужжати билан унинг иккинчи даражали иловаси берилса, бу илмий таклиф, фикримизча, қуйидаги ютуқ ва устунликларни келтириб чиқаради: биринчидан, талабалар ўртасида соғлом рақобат вужудга келади, яъни талаба билимли, масъулиятли, малакали ва рақобатбардош кадр бўлишга интилади, педагог ходимларнинг талабаларга кўпроқ дунёвий билимлар бериш эҳтиёжлари ошади; иккинчидан, иш берувчиларга битирувчиларнинг билим даражасини акс эттирувчи дипломнинг асосий иловаси билан бирга «Бакалаврнинг сифат кўрсаткичлари» (интеллектуал, маънавий ва бошқарувчилик қобилиятлари рейтинги)ни тақдим этиш имконияти яратилади; учинчидан, иш берувчиларнинг ОТМларига юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича буюртмалар бериш ва уларни танлаб олиш имкониятлари кенгайди; тўртинчидан, ОТМ раҳбарияти муассаса рейтингини сақлаб қолиш ва ошириш мақсадида, профессор-ўқитувчилар ва соҳа мутахассислари иштирокида талабаларнинг имкони борича юқори ва сифатли рейтинг кўрсаткичлари билан битиришларига зарур шароитлар яратиб берадилар, мамлакатда ҳар йили ОТМлари рейтингини аниқлашни бошқаришда битирувчиларга бериладиган олий тоифали ва I тоифали дипломлар сони кўплиги ҳамда сертификатлар сони камлиги муҳим кўрсаткичлардан бири бўлади;



4-расм. Бакалаврларга битирув ҳужжатлари бериш ва ишга жойлаштиришни самарали бошқариш модели¹²

¹²Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бешинчидан, ОТМлари битирувчиларига табақалаштирилган-тоифали битирув хужжатлари берилиши натижасида бакалаврларга катта оралик(55-85 %)да бир хил тоифали диплом берилишига йўл қўйилмайди; олтинчидан, жамиятда билимли ва рақобатбардош кадрлар салоҳияти оширилиши ҳамда олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси таракқий этирилиши асосида корхоналарнинг фаолият самарадорлиги янада оширилади.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири уларнинг ўз вақтида ишга жойлаштирилишидир. Демак, ҳозирги даврда олий таълим муассасалари битирувчиларини танлаш, ишга қабул қилиш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Юқори малакали кадрлар олий маълумот талаб қилинадиган иш ўринларига турли усул ва йўллар билан ишга жойлашаётган бўлсалар-да, республика ҳудудлари ва тармоқлар кесимида сўнгги йилларда ОТМлари бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларининг ишга жойлашиш кўрсаткичлари талаб даражасида эмас.

2008 йилда Қорақалпоғистон Республикасида 2938 нафар бакалаврдан 2743 нафар (93,4 %), Самарқанд вилоятида 4332 нафардан 4107 нафар (94,8%) ва Фарғона вилоятида 4259 нафардан 4019 нафар (94,4 %) битирувчи бакалаврлар ишга жойлашган, лекин шу ҳудудларда 2017 йилда мос равишда 3739 нафардан 1331 нафар (24,9 %), 5381 нафардан 1033 нафар (19,2 %) ва 4491 нафардан 3493 нафар (22,2 %) битирувчи бакалаврлар ўз вақтида ишга жойлашмаган (5-расмга қаранг).



Мазкур масаланинг долзарблиги юзасидан, қуйидаги мувофиқлик (талаб ва таклиф мувозанати)ни таъминлаш зарур: қайси ҳудуднинг фаолият юритувчи қайси корхонасида ОТМларида аниқ бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқиётган юқори малакали кадрлар зарурлиги (меҳнат бозори муносабатлари); қайси ОТМда аниқ ҳудудларнинг иш берувчилари учун бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш лозимлиги (таълим хизматлари бозори муносабатлари). Шу мақсадда ОТМлари битирувчиларини ҳудудлар мос йўналишларининг бўш (вакант) ўринларига тақсимлаш модели таклиф этилган.

Диссертацияда олий таълим муассасаси битирувчисининг миллий иқтисодиётга иқтисодий фойда келтириши масаласи тадқиқ этилган. Таъкидлаш жоизки, битирувчи юқори малакали кадр сифатида мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини оширади, бундан ташқари, унинг жамият фаровонлиги учун фаол хизмат қилиш даражаси ошади.

Диссертацияда олий маълумотли мутахассисларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги қуйидаги формула асосида ҳисобланган:

$$\text{МИИС} = -\text{CA} - \text{AC} + \frac{B_1}{(1+r)} + \frac{B_2}{(1+r)^2} + \dots + \frac{B_n}{(1+r)^n} + E_1 + E_2 + \dots + E_n.$$

Бунда МИИС – тадқиқ қилинаётган даврда мутахассиснинг ижтимоий-иқтисодий самараси (млн. сўм).



5-расм. 2008 ва 2017 йилларда ҳудудлар бўйича ОТМларини битирган ва ишга жойлашган битирувчи бакалаврлар сони кўрсаткичлари¹³

¹³Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аниқланган йиллик иқтисодий самара кўрсаткичини мутахассислар сонига кўпайтирсак, умумий самара келиб чиқади. Демак, «муҳандислик иши ва қайта ишлаш технологиялари» таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналиши битирувчиси меҳнат фаолияти даврида жамиятга жами 247,0 млн. сўм, мазкур таълим соҳасининг магистратура мутахассислиги битирувчиси эса меҳнат фаолияти давомида жамиятга жами 532,0 млн. сўм, шунга мувофиқ бакалавр бир йилда ўртача 6,7 млн. сўм, магистр эса 15,2 млн. сўм иқтисодий самара келтириши мумкин.

Тадқиқот иши илмий янгиликларининг амалиётга жорий этилиши республика олий таълим муассасалари битирувчи бакалаврларининг тўрт йил мобайнида олган умумий рейтинг балларининг бир ўқув йилида 0,1 баллга оширилишига олиб келди. Бу олий таълим тизимида такомиллаштирилган менежмент сифатида эътироф этилди ва бунинг эвазига юқори малакали кадрларни бошқариш самарадорлигига эришилди.

2017 йилда республикаимиз ОТМларини битирган юқори малакали бакалаврларни тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қуйидаги иқтисодий самарага эришилди: $E_{\text{ИС(рес)}} = 0,79 \times 70,2 \times 58657 = 3252999910$ АҚШ доллари, яъни 3,25 млн. АҚШ доллари ёки 2017 йил 1 январь ҳолатида 10512069,2 минг сўм, яъни 10,5 млрд.сўм.

Бунда 58657 – 2016-2017 ўқув йилида республикаимиз ОТМларининг бакалаврият таълим йўналишлари битирувчи бакалаврлари сони, нафар.

Демак, республикаимиз ОТМлари битирувчи бакалаврларининг тўрт йил мобайнида тўплаган умумий рейтинг балларининг 0,1 қийматга оширилиши олий таълим тизимида 2016-2017 ўқув йили якунида жами 10,5 млрд.сўм миқдорида иқтисодий самара келтириб чиқарди. Шунингдек, бакалаврлар ўртача рейтинг балларининг 0,1 баллга оширилиши натижасида қуйидаги ижтимоий самарадорликка эришилди: ОТМларида ўқиётган талабаларнинг замонавий билимлар эгаллаш ва хорижий тенгдошлари билан ўз мутахассисликлари бўйича рақобатлашишга эҳтиёж ва имкониятлари кенгайтирилди; битирувчи бакалаврларнинг ишга жойлашиш муддати қисқарди; ОТМлари битирувчилари ишга жойлашган корхона ва ташкилотларнинг билимли ва рақобатбардош кадрларга эҳтиёжлари қондирилиши даражаси яхшиланди; ОТМларининг юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва жамиятга хизмат қилиш миссияларидан келиб чиқиб, рейтинги ва рақобатбардошлик даражаси оширилди; олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш тузилмаларининг ўзаро манфаатли интеграциясини самарали бошқариш такомиллаштирилди ва ҳоказо.

Тадқиқот ишининг **«Кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишда бозор механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболлари»** номли тўртинчи боби таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозорининг ривожланиши, кадрлар тайёрлашни бошқаришда бозор, талаб ва таклифнинг мувозанати, ОТМлари стратегияси ҳамда рақобат бозори механизмлари, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнини

бошқариш механизмини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишга йўналтирилган.

Таъкидлаш жоизки, ОТМ ўқув дастурларини ишлаб чиқади ва меҳнат бозорига таълим хизматлари ва маҳсулотларини таклиф қилади. Бу дастурлар ОТМлари томонидан буюртмачи корхоналарга юборилаётган битирувчиларда ўз аксини топади, шунингдек, давлат, жамият ҳамда корхона ва ташкилотларнинг интеллектуал мулкка, рақобатбардош ва салоҳиятли юқори малакали кадрларга эҳтиёжларини қондириши учун ҳаракат қилади.


Диссертацияда ОТМларида таълим хизматлари бозорининг самарали бошқарилишини асослаш учун қуйидаги масалалар ўрганилган: бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланаётган кадрлар сони ва салмоғини ошириш; меҳнат қонунлари ва бозорининг замонавий талаблари ҳамда тегишли ўзгаришларни ҳисобга олиб, уларни таълим жараёнига жорий этиш; республика корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларида бўлиш; барча таълим иштирокчиларига зарур шароитлар яратиш ва таълим жараёнини намунали ташкил этиш; ОТМнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, унинг рейтинги ва нуфузини ошириш; ОТМда бюджетдан ташқари маблағ топиш; хорижий фуқароларни ўқитиш, ОТМнинг ривожланган мамлакатлар юқори рейтингли ОТМлари билан ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириш ва ҳоказо.

Диссертациянинг мазкур бобида ОТМнинг тўғри танланиши, ОТМларида сифатли таълим хизматлари кўрсатилиши, ОТМ битирувчисининг меҳнат бозорига чиқиши ва иш ўрнига мослашуви, корхона ва ташкилотларнинг буюртмаларига мувофиқ рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлаш менежментининг амалга оширилиши, ОТМлари ўртасида рақобат бозорини ривожлантирилиши, юқори малакали кадрларга корхона ва ташкилотларнинг талаб ҳамда эҳтиёжларини бошқаришда абитуриентлар, соҳа мутахассислари, таълим иштирокчилари ва иш берувчиларга тегишли тавсиялар берилган.

Олий таълим сифати, самарадорлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш ва объектив баҳолаш мақсадида ўзгармас ҳамда ўзгарувчи кўрсаткичлар қабул қилинди: аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми, 1000 АҚШ долларарида; иқтисодий ўсиш суръатлари, ИЎ, % да; капитал сармоя, КС, млрд. АҚШ долларарида; капитал сармоянинг ўсиш суръатлари, СИ, % да; ишлаб чиқаришдаги юқори малакали кадрлар сони, HQW, 1000 киши ҳисобида; HQW йиллик ўсиш суръатлари, HQW, % да; таълим цензининг йиллик ўртача ўсиш суръати NZ, % да; ишчи кучининг жами сони, ишлаб чиқаришдаги бандлик, LF, 1000 нафар ишчига нисбатан; ишчи кучининг ўсиш суръатлари, LF, % да; ОТМ (HEI) битирувчилари сони, DNG, нафарда; DNG нинг йиллик ўсиш суръатлари, % да; бир талабага сарфланувчи харажатлар, 1000 сўм ҳисобида; талабанинг ўртача ўзлаштириш суръатлари, SPER, % да.

Иқтисодиётдаги самарадорлик 1997-2017 йиллар мобайнида ўртача 4%га, реал миллий даромад 6,5 % га ва таълим цензи 0,8 % га ўсди. 2006-2017 йилларда мамлакат ЯИМ ҳажмининг ўртача ўсиш суръатлари капитал

ва ишчи кучининг ўсиш суръатларига боғлиқ бўлди. Меҳнат бозорида юқори малакали кадрлар сонининг ортиши ЯИМ ўсишига таъсир қилди. Кейинги расмда ЯИМ ўсиши, капитал сармоялар, ишлаб чиқаришдаги юқори малакали кадрлар сони, ишчи кучи, битирувчилар сони, таълим цензи ва олий таълим самарадорлиги суръатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатилган (6-расмга қаранг).



6-расм. ЯИМ ўсиши, капитал сармоялар, ишлаб чиқаришдаги юқори малакали кадрлар сони, ишчи кучи, битирувчилар сони, таълим цензи ва олий таълим самарадорлиги суръатлари¹⁴

Тадқиқот натижаларига кўра, қайси функционал шакл илмий-тадқиқот ишига мувофиқ келишини танлашда, дастлаб, LOG-LIN, LIN-LOG ва LOG-LOG моделларидан; ЯИМ ҳажми ўсиши, юқори малакали кадрлар сони, капитал сармоялар ва кадрлар таълим цензи ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганишда чизиқли моделдан фойдаланилди. Моделга кўра, ўзгармас ва ўзгарувчи кўрсаткичлар ўртасида чизиқли боғланиш мавжуд.

Моделларни синаш натижаларига кўра айтиш мумкинки, моделлар орасида даражали, Кобб-Дуглас шаклидаги, логарифмли-чизиқли модель юқоридаги шартларга жавоб берди ва кейинги тадқиқот учун қўлланилди. Бу модель қуйидаги кўринишга эга:

$$\log(Y(\text{GDP per capita})) = -1,1371 + 2,1553\log(\text{LF}) + 0,0245\log(\text{CI}) - 0,2957\log(\text{NZ}).$$

Олинган натижалар асосида таъкидлаш жоизки, юқори малакали кадрлар сонининг бир бирлик (минг киши)га оширилиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг 0,2 % га ўсишига олиб келади. Бундан ташқари, олинган натижаларга кўра, ОТМ битирувчилари сони ва капитал сармояларнинг бир бирликка оширилиши аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқаришнинг 31 АҚШ долларига, ишлаб чиқариш даражасининг 95 АҚШ долларига ўсишига, шунингдек, талабаларнинг цензи ва харажатларнинг 1 % га оширилиши мос равишда сарф-харажатлар ва олий

¹⁴Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

таълим сифатининг 0,127 ва 0,01314 % га ўсишига олиб келди. Бунда мамлакатда ишсизлик даражаси кўрсаткичи ўзгармас деб қабул қилинган. ОТМ битирувчилари ўқиш даврида йўқотилган вақтга қарамай, ишчи кучи таркибига киритилган, бунда ишчи кучи миграцияси ҳисобга олинмаган.

Илмий ишда таълим сифати ва самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро муносабат аниқланди. Улар ўртасидаги ўзаро алоқалар заифлигига қарамай, юқори малакали кадрлар сони ва даражаси иқтисодий ўсишда муҳим аҳамиятга эга. Жорий таълим стандартлари тараққиёт давридаги барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омилидир, аммо уларни самарали қўллаш муаммолигича қолмоқда. Олий таълим сифатини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишида барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи ишончли таълим дастурларидан фойдаланиш тавсия этилган.

Диссертацияда ОТМларида таълим сифатини бошқаришда регрессия моделидан фойдаланиш тавсия этилган. Бу модель фақат умумий ҳолда берилган, шунинг учун олий таълим соҳасида таълим сифатини ошириш муаммоларига боғлиқ илмий-тадқиқот ишларини давом эттириш зарур.

Шундай қилиб, тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва тавсияларнинг олий таълим тизимини самарали бошқариш, олий таълим муассасаларида рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришни такомиллаштириш масалаларининг ҳал этилишида муҳим манба бўлиши назарда тутилган.

ХУЛОСА

«Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Олий таълим муассасасини бошқариш самарадорлигини оширишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ва халқаро стандартлар асосида ОТМларини мамлакатнинг илмий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий марказларига айлантириш ҳамда ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш зарур.

2. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ОТМда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятидир. Шунга кўра, олий таълимдан кейинги таълимни самарали бошқарилишини ташкил этиш, ОТМ ва ИТМларининг олий малакали кадрлари (академиклар, профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари, фалсафа докторлари ва бошқалар) салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг ойлик маошлари миқдорини ошириш ва рағбатлантириш; иқтидорли талабалар, магистрантлар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар ва мустақил изланувчиларга

илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш учун барча имтиёзли шарт-шароитлар яратиб бериш зарур.

3. Ҳозирги даврда жаҳонда, шу жумладан мамлакатимизда олий маълумот олишга талабнинг ошиши, ишга жойлашишга рақобатнинг кучайиши, шунингдек, дипломлар қадрининг пасайиши ҳамда аввал эгалланган билим ва технологияларнинг шиддат билан эскириши юз бермоқда. Шунинг учун баъзи таълим йўналишлари, мутахассислик ва касбларни қайта кўриб чиқиши талаб этилмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун «Бутун умрга таълим» концепциясидан «Бутун умр давомида таълим» концепциясига ўтиш мақсадга мувофиқдир. «Бутун умр давомида таълим» концепциясида зарур билим ва малакага тайёрланаётган юқори малакали кадрларнинг сифат кўрсаткичларини талабга мувофиқлаштиришда, ўқув жараёнида фанлар сонини оптималлаштириш, талабаларнинг шахсий баркамоллигини таъминлаш ва ривожлантириш, уларни ўз мақсадлари йўлида қийинчиликларни енгишга ўргатиш, мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлашга йўналтирилган замонавий билимларни эгаллаш ва ишлаб чиқишларига имкониятлар яратиб берилиши лозим.

4. ОТМда такомиллаштирилган ўқув режа ва дастурлари асосида фанларни оддийликдан мураккаблик, хусусийликдан умумийлик, айримликдан комплексликка йўналтирилган ҳолда босқичма-босқич ўқитиш, таълимни ривожланган мамлакатлардаги сингари «кириш–оралиқ–якуний» («Introductory-intermediate-advanced») тарзида ташкил этиш ва самарали бошқариш; фанларни босқичма-босқич ўқитишда бакалавриятнинг иккинчи курсидан бошлаб, умумтаълим фанлари сонини қисқартириш ва талабаларга мутахассислик фанларини танлаш имкониятларини кенгайтириш лозим.

5. ОТМ рейтинги ва рақобатбардошлигини оширишни самарали бошқаришда қуйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ: ОТМнинг имижиси ва унинг маҳаллий ҳокимият, жамоатчилик, корпорация ва корхоналар ўртасидаги нуфузи; таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг жозибадорлиги; SWOT-таҳлили натижасида ишлаб чиқилган олий таълим–фан–ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширувчи комплекснинг устунлик ва камчиликлари; ОТМ моддий-техник базаси ҳолати ва таълим сифати; бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул танлови, ОТМ билан буюртмачи корхоналар ўртасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича тузилган контрактация шартномалари ҳажми; педагог кадрларнинг илмий-педагогик салоҳияти.

6. ОТМ бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларига ўқиш даврида ўзлаштирган билим ва малакасига кўра давлат намунасидаги табақалаштирилган-тоифали битирув хужжатлари билан дипломнинг «Бакалаврнинг сифат кўрсаткичлари» (интеллектуал, маънавий ва бошқарувчилик қобилиятлари рейтинги) акс эттирилган иккинчи иловасини бериш мақсадга мувофиқ. Бу илмий таклиф ўқув жараёнида талабаларнинг соғлом рақобатлашувига олиб келади ва иш берувчиларга ОТМ битирувчилари салоҳиятини объектив баҳолаб, ишга қабул қилиш имкониятини кенгайтиради.

7. Эконометрик моделлар ёрдамида интеллектуал салоҳиятли юқори малакали кадрлар таълим цензининг иқтисодий ўсишга таъсири аниқланди. Бу моделлар кўрсатадики, ОТМ битирувчилари сони ва капитал сармояларнинг бир бирликка оширилиши, бошқа кўрсаткичлар ўзгармаган ҳолда, аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқаришнинг 31 АҚШ долларига, ишлаб чиқариш даражасини 95 АҚШ долларига ўсишига олиб келди. Демак, юқори малакали кадрлар сонининг ортиши натижасида инсон капитали ҳажмининг кўпайиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида етакчи ўрин эгаллайди.

8. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш учун меҳнат бозори талаб ва эҳтиёжларига ОТМ имкониятларини мувофиқлаштирган ҳолда ОТМларининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларини ҳудудлардаги корхоналарнинг мос йўналишлари асосида бўш (вакант) иш ўринларга тақсимлаш лозим. Бу илмий таклиф ОТМ битирувчиларини оптимал ишга жойлаштириш муддатини қисқартиради. «Корхона ва ташкилотларда ишлаётган олий таълим муассасалари битирувчилари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методологияси» асосида ОТМни битирган ва корхоналарда ишлаётган юқори малакали кадрларнинг жамиятга келтирган ижтимоий-иқтисодий самарасини ҳисоблаш имконияти яратилди.

9. Ўзбекистон Республикасида жаҳон стандартларига биноан юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

«Ҳаракатлар стратегияси»да олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ОТМларида сифат менежментини жорий этишни жадаллаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунини таълим тизимидаги замонавий ислохотларни ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилиш;

«Бутун умр давомида таълим» концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

узлуксиз таълим тизимида такрорланувчи фанлар ўқитилишига йўл қўймаслик асосида таълим йўналишлари хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ОТМларида бакалаврлар тайёрлаш муддатини тўрт йилдан уч йилга ва магистрлар тайёрлаш муддатини икки йилдан бир йилга қисқартириш;

бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларига табақалаштирилган-тоифали дипломлар билан «Бакалаврнинг сифат кўрсаткичлари» (интеллектуал, маънавий ва бошқарувчилик қобилиятлари рейтинги) иловаси берилишини ташкил этиш;

ОТМларида олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг кўп босқичли моделини қўллаш;

ОТМларида бакалаврият таълим йўналиши талабалари билан яқка тартибда ишлаш учун «устоз-шогирд» тизимини жорий этиш;

ОТМларида педагог кадрларнинг такомиллаштирилган сифат моделини жорий этиб, уларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва хизмат

ваколатларини узайтиришда даъвогарнинг беш йиллик сифат модели кўрсаткичларини ҳисобга олиш;

ОТМ рейтинги ва рақобатбардошлигини аниқлашда SWOT-таҳлилни қўллаш;

олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини самарали бошқаришни прогнозлаш натижаларидан фойдаланиш;

олий таълим бакалавриатининг сиртқи, махсус сиртқи ва кечки шаклларини очиш ва кенгайтириш, масофавий таълимнинг он-лайн ва офф-лайн режимларини амалга ошириш, иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни сиртқи шаклда ва Интернет-факультетларда ўқитишни ташкил этиш;

бакалавриат таълим йўналишлари бўйича тест синовлари натижалари ва абитуриентнинг ОТМга ҳужжат топшириш вақтида ёзган аризасига асосан, зарурат юзасидан, унга бошқа ОТМнинг мувофиқ йўналиши бўйича ўқишга кириш имкониятини яратиш;

контракция шартномалари асосида магистрлар тайёрлаш квоталарини кўпайтириш, бакалавриат таълим йўналишларининг имтиёзли дипломли бакалаврлари хоҳишига кўра мос ва турдош магистратура мутахассисликларига имтиёзли шартларда ўқишга кириш имкониятларини кенгайтириш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.1.16.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ОЧИЛОВ АКРАМ ОДИЛОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ
ПОДГОТОВКОЙ ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ
КАДРОВ**

08.00.13 – Менеджмент (экономические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

Ташкент – 2018

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована за №B2017.1.DSc/Igt32 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdiu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Зайнутдинов Шавкат Нуриддинович**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдурахмонов Каландар Ходжаевич**
академик Академии наук Республики Узбекистан,
доктор экономических наук, профессор

Рахимова Дильфуза Нигматовна
доктор экономических наук, профессор

Саидов Мухаммадали Хакимович
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский финансовый институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.16.01 при Ташкентском государственном экономическом университете по присуждению учёных степеней (Адрес: 100003, г. Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (998971)233-60-01; e-mail: tdiu@tdiu.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100003, г. Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-27.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.

(реестр протокола рассылки № ____ «__» _____ 2018 года).

Б.Ю. Ходиев

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.э.н.,
профессор

А.Н. Самадов

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.э.н.,
доцент

М.А. Махкамова

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Все возрастающие темпы процессов глобализации и ускоренного обмена информацией в мировом масштабе требуют подготовки высококвалифицированных и конкурентоспособных кадров в условиях чрезвычайно резкой конкуренции между странами, компаниями и корпорациями. Как отмечается в Целях устойчивого развития ООН до 2030 года, высшее образование в мире становится ведущим фактором устойчивого экономического роста. Между тем в последние годы подготовка высококвалифицированных кадров в мире сохраняет высокие темпы. Так, к 2030 году прогнозируемое количество студентов высших учебных заведений достигнет 414 млн. человек, что в 4,2 раза превышает показатель 2000 года¹. Следовательно, если учесть, что фундамент знаний, приобретаемых человеком на протяжении всей его жизни, закладывается в стенах высшего образовательного учреждения, то задача комплексного решения повышения качества высшего образования является актуальной и необходимой.

В мировой практике в целях эффективного управления вкладом высших образовательных учреждений в развитие страны и общества ведущих участников рынка образовательных услуг, организованы целевые научно-исследовательские работы по обеспечению научных решений ряда проблем. Особое внимание уделяется таким задачам, как повышение рейтинга и конкурентоспособности высших образовательных учреждений, подготовка и профориентация высококвалифицированных кадров, отвечающих современным требованиям и потребностям системы высшего образования, повышение качества образования, совершенствование оптимального управления и регулирования процессами, привлечение инвестиций, инноваций и технологий в образовательный процесс.

В Узбекистане вопрос интенсивного развития управления системой высшего образования рассматривается на высоком уровне. В частности, в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах намечены следующие задачи: «продолжение курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда; повышение качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений на основе внедрения международных стандартов обучения и оценки качества преподавания; трудоустройство и привлечение в сферу частного предпринимательства выпускников средних специальных, профессиональных и высших образовательных учреждений»². Эффективное осуществление

¹Источник: www.unesco.org

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года // Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2017. №6.

данных задач требует глубокого анализа тенденций совершенствования высшего образования, разработки научных и практических рекомендаций по повышению эффективности управления подготовкой высококвалифицированных кадров в высших образовательных учреждениях.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, поставленных в Законах Республики Узбекистан «Об образовании» и «О государственной молодежной политике», Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5544 от 21 сентября 2018 года «Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы», Постановлениях №ПП-2909 от 21 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», №ПП-3151 от 27 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием», №ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широко-масштабных реформах», других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования по повышению эффективности управления подготовкой высококвалифицированных кадров в высших образовательных учреждениях осуществляются в ведущих мировых научных центрах и высших образовательных учреждениях, в том числе: Harvard University, New York University, Stanford University, Graduate School of Business, University of Chicago, The World Bank (США), Oxford Brookes University, University of

³Данная часть выполнена на основе следующих источников: World Bank and UNDP (2009); «Putting Higher Education to Work: Skills and Research for Growth in East Asia». World Bank Est Asia and Pacific Regional Report. World Bank: Washington DC. European Commission (2011); Higher Education in Uzbekistan: Structure, Developments and Reform Trends. Tashkent: United Nations Development Programme Representative Office in Uzbekistan. European Commission. (2012). «Higher Education in Uzbekistan». July 2012.; Дровяников В.И. Методология, модели и механизмы организационно-экономического управления в мультиагентной системе подготовки профессиональных кадров. Дисс. ... д-ра эконом. наук. – Самара, 2010.; Узбекистан. Модернизация системы высшего образования. Сектор по человеческому развитию. Отдел по работе со странами Центральной Азии. Региональное управление по Европе и Центральной Азии. Документ Всемирного банка. – 2014.; Черноус Т.Ф. Основные тенденции модернизации национальной системы подготовки кадров высшей квалификации в новых социально-экономических условиях // Высшее образование Кыргызской Республики. – 2008. – 2 (12); Шумейко А.А. Интернационализация и регионализация высшего образования как фактор развития конкурентоспособности университета // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – 6.; Куролов К.К. Бозор муносабатлари шароитида иктисодий таълим тизимининг такомиллашуви конуниятлари. Икт. фанл. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 87 с.; Ajwad, Mohamed Ihsan Stefan Hut, Ilhom Abdulloev, Robin Audy, Joost de Laat, Sachiko Kataoka, Jennica Larrison, Zlatko Nikoloski, and Federico Torraccia, 2014. «The Skills Road: Skills for Employability in Uzbekistan.» World Bank, Washington, DC. и др.

Cambridge (Великобритания), University of Munster (Германия), Wageningen University and Reserch Center (Нидерланды), the Korean (Южная Корея), the Japanese International Cooperation Agency (Япония), International University of biznes and economical (Китай), Singapore Management University (Сингапур), в таких международных организациях, как UNDP, UNESCO, Московский государственный университет, Российский экономический университет (Россия), Институт прогнозирования и макроэкономических исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан, Международный Вестминстерский университет в Ташкенте, Ташкентский государственный экономический университет и Ташкентский финансовый институт (Узбекистан).

В результате исследований эффективности управления подготовкой высококвалифицированных кадров, проведенных в мире, получен ряд научных и практических результатов: в частности, разработана стратегия интеграционного развития системы высшего образования (World Bank and UNDP, Harvard University, New York University, Stanford University, США), определены факторы, влияющие на интеллектуальный капитал и инновационный потенциал кадров, а также на примере агропромышленных предприятий Евросоюза оценена зона их влияния (Wageningen University and Reserch Center, Нидерланды). На основе обеспечения интеграции учебных, научно-исследовательских и инновационных процессов в высших образовательных учреждениях созданы модели управления подготовкой высококвалифицированных кадров (World Bank and UNDP) и экономического роста региона, обоснована их взаимосвязь с качеством высшего образования (Universit of Sheffield, Англия), а также усовершенствована методология развития системы высшего образования (Институт прогнозирования и макроэкономических исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан, Узбекистан).

Мировой опыт свидетельствует о том, что в системе высшего образования осуществляются научные исследования по управлению подготовкой высококвалифицированных кадров, в частности, в следующих приоритетных направлениях: преобразование высших образовательных учреждений в научные и культурные центры страны, интернационализация и интегрирование высшего образования, автоматизация и демократизация образовательных процессов, оценка качества образования и способности студентов на основе современных методов, повышение потенциала высшего образования, разработка и коммерциализация новых знаний и внедрение современных инновационных технологий в управление образованием, осуществление управления высшим образованием на основе online-системы, увеличение объема человеческого капитала и совершенствование системы управления подготовкой кадров.

Степень изученности проблемы. Теоретические основы, модели и современные тенденции управления подготовкой высококвалифицированных кадров и их трудоустройство, интеграция высшего образования, науки и производства отражены в научно-исследовательских работах А.Ашер,

R.Varro, Дуглас Д., E.C.Andrade, E.Hanushek, Kozma V.R., A.Maddison, G.Philip, L.Pritchett⁴ и других зарубежных учёных.

Сроки обучения и выдача дипломов, конкурентоспособность и эффективность ВОУ, управление качеством высшего образования, влияние потенциала выпускников ВОУ на экономическое развитие и другие вопросы изучены в научных статьях, монографиях и диссертациях таких учёных из СНГ, как Е.О.Аквазба, Е.В.Балацкий, Н.Н.Беденко, К.Н.Гоженко, А.Х.Жанказиев, А.П.Колядин, Л.Полищук, А.К.Савина, В.И. Сухочев⁵ и другие.

На основе изучения и анализа научных трудов отечественных учёных-экономистов – К.Х.Абдурахманова, О.К.Абдурахманова, Р.Алимова, А.Н.Арипова, Г.Н.Ахуновой, Б.А.Бегалова, А.Ш.Бекмурадова, С.С.Гулямова, Ш.Н.Зайнутдинова, М.А.Икрамова, Н.К.Йулдошева, Д.С.Касымовой, И.У.Маджидова, Д.Х.Набиева, Р.И.Нуримбетова, Б.Х.Рахимова, Д.Н.Рахимовой, Р.А.Рахманбаевой, М.Х.Саидова, А.Н.Самадова, Б.Ю.Ходиева, Т.Ш.Шодиева, Ш.Дж.Эргашходжаевой, А.Т.Юсупова, Н.О.Каюмовой, Ш.Курбанова, К.К.Куролова, Б.К.Гойибназарова и других⁶, автор приходит к выводу о том,

